

ТОЛА ТАРКИБИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН ИПЛАРНИНГ НОТЕКИСЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

М.Худайбердиев

ассистент

Бухоро муҳандислик-технология институти

Х.Рахимов

ассистент

Бухоро муҳандислик-технология институти

Т.А.Очилов

профессор

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Аннотация: ушбу мақолада Шарқ Текс Люкс МЧЖ корхонасида тайёрланган чизиқий зичлиги 12,1 текс қайта тараши жараёндан кейин иплар олиниб, уларнинг сифат кўрсаткичлари аниқланди.

Калит сўзи: чизиқий зичлик, маҳсулот кесимидаги толалар сони ёки турли узунликдаги кесим оғирликлари бўйича нотекислик, ҳажмий оғирлиги бўйича маҳсулот нотекислиги

ИЗМЕНЕНИЕ ПОКАЗАТЕЛИ НЕРВНОТА ПРЯЖИ В РАЗЛИЧНОГО ВОЛОКНИСТОГО СОСТАВА

М.Худайбердиев

ассистент

Бухарский инженерно-технологический институт

Х.Рахимов

ассистент

Бухарский инженерно-технологический институт

Т.А.Очилов

профессор

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Аннотация: В данной статье были получены швейной нити линейной плотностью 12,1 текс производства ООО «Шарк Текс Люкс» и определено их качество.

Ключевое слово: линейная плотность, количество волокон поперечном сечении продукта или неровнота продукта, объемная масса по неровнота продукта

CHANGING INDICATORS OF NERVOUS YARN IN DIFFERENT FIBROUS COMPOSITION

M. Khudaiberdiev

assistant

Bukhara Engineering and Technology Institute

X.Rakhimov

assistant

Bukhara Engineering and Technology Institute

T.A. Ochilov

Professor

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Annotation: *In this article, sewing threads with a linear density of 12.1 tex produced by Shark Tex Lux LLC were obtained and their quality was determined*

Keywords: *linear density, number of fibers product cross-section or product roughness, bulk density by product roughness*


Жаҳонда ҳозирги пайтда махсус буюмларни тикиш учун юқори физик-механик ҳамда яхши ишлов бериш хусусиятларига эга бўлган тикувчилик иплари керак бўлади. Тикувчилик ипларининг сифати кийим-кечакларнинг сифати ва ишончлилигини, уларни тайёрлаш технологик жараёнларининг самарадорлигини белгилайди. Кийим ва бошқа турдаги буюмларнинг ташқи кўриниши, мустаҳкамлиги маълум даражада тикувчилик ипларининг пишиқлигига боғлиқдир. Шунинг учун, ҳозирги пайтда тикувчиликда ишлатиладиган ипларнинг сифати муҳим аҳамиятга эгадир.

Тикувчилик ипларини танлаш асосан кийим-кечак ва пойабзалларнинг сифати ва ишончлилигини белгилайди. Тикувчилик ипларининг ассортименти, уларнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш учун жуда зарурдир.


Йиғириш маҳсулотларининг нотекислигини таҳлил этиш жуда мураккабдир. Йиғириш маҳсулотлари учун нотекисликнинг кўпгина турлари мавжуддир: йиғиришнинг биринчи босқичида ҳосил бўлиши ҳамда кейинги босқичларда ўзгариши ва унга янги турдаги нотекисликларнинг кўшилишидир. Иплар нотекислиги ўзига бир қанча таркибий қисмларни қўшиб, йиғириш ишлаб чиқаришдаги турли босқичли нотекисликларига таъсири кўринади. Турли кўринишдаги нотекисликлар бир-бирига боғлиқдир. Кўрсатилган омиллар нотекисликни келтириб чиқариш сабабларини ўзгаришини қийинлаштиради.

Шу сабабли, ипларнинг нотекислик кўрсаткичларини аниқлаш борасида тадқиқот ишлари олиб борилди. Тола таркиби турлича бўлган


ипларнинг нотекислик кўрсаткичлари аниқланди ва олинган синов натижалари қуйидаги расмларда келтирилган.



1-расм. Тола таркиби турлича бўлган ипларнинг нотекислиги ва вариация коэффицентининг ўзгариши.




2-расм. Тола таркиби турлича бўлган ипларнинг -40% ингичкалашган жойларининг ўзгариши.



Толар таркиби турлича иплар

3-расм. Тола таркиби турлича бўлган ипларнинг +35% йўғонлашган жойларининг ўзгариши.



Толар таркиби турлича иплар

▨ -тукдорлиги;

▤ -тукдорлиги бўйича квадратик нотекислиги.

4-расм. Тола таркиби турлича бўлган ипларнинг тукдорлиги ва тукдорлиги бўйича квадратик нотекислигининг ўзгариши.

Тадқиқот натижаларини 100% пахта толасидан олинган ипларнинг кўрсаткичларига нисбатан солиштирсак, 90% пахта билан 10% лавсан толалари аралашмасидан олинган ипларнинг нотекислиги 17,1% га, вариация коэффиценти 18,5% га, -40% ингичкалашган жойлари 52,2% га, +35% йўғонлашган жойлари 67,1% га, тукдорлиги 14,6% га ва тукдорлиги бўйича квадратик нотекислиги 28,1% га камайди, 80% пахта билан 20% лавсан толалари аралашмасидан олинган ипларнинг нотекислиги 25,4% га, вариация коэффиценти 26,8% га, -40% ингичкалашган жойлари 80,3% га, +35% йўғонлашган жойлари 80,3% га, тукдорлиги 14,1% га ва тукдорлиги бўйича квадратик нотекислиги 31,8% га камайди, 70% пахта билан 30% лавсан толалари аралашмасидан олинган ипларнинг нотекислиги 31,0% га, вариация коэффиценти 31,9% га, -40% ингичкалашган жойлари 96,0% га, +35% йўғонлашган жойлари 83,6% га, тукдорлиги 27,0% га ва тукдорлиги бўйича квадратик нотекислиги 40,1% га камайди. Олиб борилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, ип таркибида қанчалик кўп кимёвий толалар аралашмаси ташкил этадиган бўлса, олинадиган ипларнинг нотекислик кўрсаткичлари шунчалик паст бўлиши кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, тола таркиби турлича бўлган ипларнинг нотекислик кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, ипларнинг нотекислиги 17,1% дан 31,0% гача, вариация коэффиценти 18,5% дан 31,9% гача, -40% ингичкалашган жойлари 52,2% дан 96,0% гача, +35% йўғонлашган жойлари 67,1% дан 83,6% гача, тукдорлиги 14,6% дан 27,0% гача ва тукдорлиги бўйича квадратик нотекислиги 28,1% дан 40,1% гача камайганлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Смирнова Н. А. Швейные нитки: Учеб. пособие/ Н. А. Смирнова-Кострома, КТИ, 1994. -80 с.

2. Шустов Ю.С. и др. Текстильное материаловедение лабораторный практикум. Учебное пособие., Москва, ИНФРА-М, 2016.

3. Б.А.Бузов Н.Д. Алыменкова. Материаловедение в производстве изделий легкой промышленности (швейное производство). Учебник - М.: АСАДЕМА, 2010. - 448 стр.

4. Anvar Djuraev, Shavkat Behbudov, Abdurakhmon Amonov and Hakimboy Rakhimov. Justification of Parameters of a Compound Roller with a Rubber Bushing of a Device for Strengthening the Stitches of the Being Sewn Materials. AIP Conference Proceedings

5. Salokhiddin Mardonov, Laziz Shokirov and Khakim Rakhimov. Development of technology for obtaining starch gluing modified with uzkhitan and hydrolyzed emulsion. APITECH III 2021 Journal of Physics: Conference Series

6. Rashit Nurboev, Murkosim Khudayberdiev Anvar Abdullaev, Okhun Sharofov and Olima Aripova Improvement of product drafting process in drafting devices of the spinning machines with the application of straps. Journal of Physics: Conference Series.